



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 22 сентябр, чоршанба № 153 (1786)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - захирага бўшатиш.

2. 1977-1986 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг октябр-ноябр ойларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қабул қилинмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақирув резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-

ишларини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф.Ҳулмолов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт ёрдам-анжомлари ва буомлари билан таъминлаб чақирилувчиларнинг сифатли, ҳар томонлама ва ҳолисона тиббий куридан ўтказилишини, чақирув комиссияларининг ишига турли ихтисосликка эга бўлган юқори малакали врачлар жалб этилишини, муқобил тиббий комиссияларнинг самарали

га муҳаббат ва армиямиз билан фахрланиш туйғулари синдиришга қаратилган жанговар ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш дастури янада тақомиллаштирилишини;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар учун замонавий уй-joy-машиини шарт-шароитлар яратилишини, уларнинг белгиланган талабларга ва таъминот нормаларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли моддий таъминлишини;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, жамоатчилик билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни яшаш жойига қузатиб қўйиш ва тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Молия вазирлиги (С.Б.Раҳимов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташкилотлар ва корхоналар, шунингдек сафарбарлик чақирувчи резервга ва муқобил хизматга олинган фуқаролар томонидан молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши юза-

сидан комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О.Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларнинг эғалланган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарга ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабининг ўтаган, ҳарбий тайёргарлик курган ва ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик курган кадрлар захираси ҳисоблан-

ган шахслар сифатида устунлик ҳуқуқидан фойдаланмадилар.

8. «Ўзтеледио» компанияси (А.К.Кучимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Хазратқуллов)га бўшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрланишнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақирув резервда хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларига кенг ёритиш тавсия қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Тошкент шаҳри, 2004 йил 21 сентябр

И.КАРИМОВ

Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар

Ҳар бир инсон ўз ҳаётида жуда кўп орзу-хаваслар билан яшайди. Эзгу ниятлардан бири ҳалол меҳнат қилиб, юзни ёруқ қилиш, одамлар ҳамкасблар ўртасида ҳурмат-у эъзозга сазовор бўлишдир. Бунинг учун одамнинг қалби тоза, нияти улғу, ҳар қандай таъмаю ғараздан йироқ бўлиши керак. Табиатимизда қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлсагина мурад ҳосил бўлади, ҳеч қачон, ҳеч ким панд емайди.

Иккинчи томондан, биз яшаётган, ишлаётган муҳит, ён-атрофимиздагиларнинг пировард натижа, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисалар қандай муносабатда бўлаётганлиги ва албатта ишловчи кайфиятига жуда кўп нарса боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан нутқини ўқиб, мағзини қақар эканман, тушундимки, ҳар қандай яхши инсон ҳам ҳушомадгўйлар, хайбаракаллачилар орасига тушса, давлатни, халқни эмас, кўпроқ ўз ҳузув-халоватини уйлаганлар билан муросасозлик қилса бўлади. Охир-оқибат ўша раҳбар қонун устуворлигини, тартиб-интизомни таъминлаш ўрнига халқни ҳайратлантирадиган ишларга қўл уради. Аслида омадининг кетиши шундан.

Шу ўринда бир мисол. Мингбулоқ туманида сўнгги йилларда иш тамомла орқага кетди. Пахта тайёрлаш режаси сурункасига бажарилмай келинмоқда. Сабаблари кўп. Асосийси – туман ва ҳўжалиқларнинг раҳбарларини алмаштириш одат тусига кирган. Шу ердаги Амир Темуру номли ширкат ҳўжалигида ўтган йили пахта топшириш режаси 58 фоизда қолиб кетди. Хосилдорлик гектарига 18 центнерга тўри келди, ҳолос. Ахир ер унмудор, сув, техника ва ишчи кучи етарли бўлса нечун бундай шармандалиқ? Гап аввало раҳбар мутахассисларда масъулият, омиқкорлик ва қатъият етишмаётганидир. Мулк шакли ўзгарган бўлса-да, иш услуби ҳамон эскича, далада ишловчилар ҳақида қайғурил-

ЯШАШДАН МУДДАО НИМА?

майди. Шароит ва рағбат бўлмагач, одамлар қандай қилиб иштиёқ билан ишласин. Амир Темуру номли ширкат ҳўжалигида бу йил ишлар яхши кетаётти, деб бўлмайди. 6-, 9-, 14-бригадаларда пахта йиғим-теримиде қолоқликка йўл қўйилмоқда. Маълум бўлишча, маданий-маиший тадбирлар кўнгилдагидек амалга оширилмаётти. Ҳатто иссиқ оқват, чой ҳам вақтида тайёрланмаётган пайтлар бўлаётти. Буларнинг ҳаммаси вилоят кенгаши сессиясиде таъкидланганидек, қўпгина ҳўжалиқларда ишлар ақсарият ҳўлларида ҳўжакурсин учун, юзакилик билан олиб борилаётганидандан далолатдир.

Етарли назорат бўлмаса, таъмагирилик, порахўрлик илдиз отса қўпнинг шўри. Ахир Поп туманидаги «Водий экспресс» масъулияти чекланган жаият 1 миллиард 650 миллион сўмдан ортқ маблағни яшириб қолдирганини наҳотки мутасадди раҳбарлар, тегишли идораларнинг ҳодимлари билишмаган бўлса? Еки коса тагиде ним коса бор, деганларидек...

Бугун республикамизда олиб борилаётган давлат сисъатининг хал қилувчи масалаларидан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Бу борада барча ерда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ўзгалар мададига муҳтож кимсаларни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қатта маблаг сарфланмоқда. Бирок ўз хизмат вазифасини суистемасол қилиб, дейлик пенсионерларга тегишли бўлган нарсаларни ўмарган кишиларни ким деб аташ мумкин? Наманган шаҳридаги собиқ Давлатбод тумани ижтимоий таъминот бўлими ҳодимаси айнан пенсионерларга тегишли уй-жойларни ўз номига ўтказиб олиб, жаи 4,2 миллион сўмлик мол-мулкни толамачилик йўли билан ўзлаштирганини эшитган ҳар бир соғдил инсон туюқиб кетиши табиий.

Бир нарса кишини гоъят ўйлантиради: Ўзбекистон телевидениеси ҳамада газеталар орқали оёғи ердан узилиб қолган, манманликка берилиб, мисқоллаб йиғган обрўсини йўқотган раҳбарларнинг «фаолияти» танқид остига олинди. Шундай кўнгилсиз ҳолатлардан воқиф бўла туриб, айрим раҳбарлар пинакларини бузишмайди. Фаолиятларига танқидий нуқта-назардан баҳо бериб, камчиликларни тугатишга астойдил киришишмайди. Гўёки уларни ҳеч ким, ҳеч қачон жавобгарликка тортмайдигандек юришадди. Бу энг хавфли касаллик.

Эл дастурхонини тўкин-сочин этиш, истеъмол бозорини тўлдиршида фермерлик ҳаракатининг нафи қатта. Бирок ҳамма ҳам тадбиркор бўлавермайди. Ер ҳақиқий эгасининг қўлига топширилгандагина қўтилган ҳосилни олиш мумкин. Сессияда жуда тўғри танқид қилинди, тадбиркорларга ер ажратшида ҳам қатор туманларда, ҳўжалиқларда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Яъни, қўлидан иш келмайдиган, буйруқ билан иш битирадиган баъзи унлар турли йўллр билан ер олишга муваффақ бўлишган. Оқибатда кўп нарса ютказилди. Жорий йилнинг август ойи ҳолатига қўра Ҳўжалиқ судига дон топширишда контрактация шартномаси мажбуриятларини бажармаган айрим фермер ҳўжалиқларнинг фаолияти юзасидан вилоят прокуратура идоралари томонидан 321 та давъо аризаси киритилган. Шундан 309 таси қаноатлантирилиб, шартнома мажбуриятларини бажармаган фермерлардан 49 миллион сўмдан ортқ жарима ундирилган. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?!

Вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидеги ўринли танқидий фикр-мулоҳазалар барчамизнинг қўзимизни очди, янада хушёр тортирди. Ҳулоса битта – юртимизда рўй бераётган барча ишларга ўзимизни даҳлдор, деб билайлик. Шу муқаддас замин ўзимизники. Миллий гурур қалбада жўшурса, ҳар бир юртдошимиз яшайдан муддао нима, деган саволга амалий ишлари, яхши ташаббуслари билан жавоб бера олса, албатта қўзланган мақсадга эришляди.

Т.ОХУНОВ, С.ЯХШИБОВЕВ, меҳнат фахрийлари

ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА ТЎПЛАНАДИ

Ўзбекистоннинг спортчи ривожланган мамлакат сифатидаги шўхрати тобора мустаҳкамланмоқда. Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзи Олимпия ўйинларидаги қўлга киритилган иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медали ҳам шундан далолат беради. Олимпиадада катнашган 202 мамлакат орасида умумий ҳисобда мамлакатимиз 34-ўринни эгалляди. Бундан ташқари, Ўзбекистонлик спортчилар ўртасида жаҳон чемпионатлари, Осие ўйинлари, бошқа халқаро турнирларнинг голиблари жуда кўп.

Шу сабабли нафақат Ўзбекистон, балки Осие қисмида биринчи марта бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг бошқичи - «Шарқ гўзалли 2004» турнирини Тошкентда ўтказишга қарор қилинган бегиз эмас. Мусобақа 28 сентябрдан 2 октябрга қадар «Ўзбекистон» спорт мажмуи - пойтахтимизнинг энг яхши спорт майдонларидан бирида бўлиб ўтади. Турнирни Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий гимнастика Федерацияси ташкил этди.

Бизнинг гимнастикачиларимиз жаҳон спорти тарихига ўз номларини киритишга муваффақ бўлишган. Чунончи, Жаҳон кубогининг Тошкентдаги бошқичида Ўзбекистондан тўрт таңкил гимнастикани қатанашади. Улар орасида халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашвеева ва Анастасия Берестецкая бор. Олеся бу йил Осие чемпионатининг бронза медали соҳиб бўлди. Анастасия эса 2002 йилда Осие ўйинларида фахрлий бешинчи ўринни эгалляди.

(Давоми 4-бетда)



ЖАМҒАРМАНИНГ САВОБ ИШЛАРИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими вакиллари Бухоро шаҳридаги 28-маҳсус боғчага дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўйинчоқлар ҳадя этди.

Бундай хайрия тадбирлари шаҳардаги бошқа маҳсус болалар боғчалари, мактаб-интернат ва муруват уйларида ҳам ўтказилди.

Бу хайри ишларга бир ярим миллион сўмликдан зиёд маблаг сарфланди, - деди жамғарманнинг вилоят бўлими раиси М.Саъдуллаева ўза муҳабрига. - Айни пайтда жойларда тиббий-ижтимоий кузатув ишларини ҳам олиб бораёмиз. Меҳрибонлик уйларида тарбияланмаётган болалар, ёлғиз қариқларни тиббий куридан ўтказиб, бепул дори-дармон билан таъминляпмиз.

Фидокор ўзбек аёллари ўзларининг ажойиб касб-хунарлари билан обрў-эътибор қозонишган. Нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам лол қолдираётган миллий кийимлар, зардуўлар, ранг-баранг гиламлар қўлигул хотин-қизларимиз самарали меҳнатининг маҳсулидир. Мустақиллик йилларида тадбиркорликка, касб-хунар ўрганишга катта эътибор берилганлиги сабабли чеварлар ишлаётган кичик корхоналар, цехлар (суратларда) сони тобора ортиб бормоқда.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар



«Меҳр ва муруват» йили муносабати билан Қашқадарь вилоятда кам таъминланган оилалар, қариялар ва ногиронларнинг турмуш шароитини оширишга жиддий аҳамият берилляпти.

Воҳанин аҳолиси кўп ҳудудлардан бири Чироқчи туманида муҳтож кишилари қўллаб-қувватлаш, хайр-саховат кўрсатиш соҳасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирга қадар 2400 та кам таъминланган оиланинғ ҳолидан хабар олинди, моддий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркор ва ишбилармонлар химмати билан муҳтожларга 10 миллион сўмлик муруват ёрдами берилди.

Қумдарё қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркорлар ўндан ортқ оилага маблаг билан қумаклашдилар. Алишер Навоий, Ўзбекистон, Урол Бозоров, Хумо, Чиял, Лангар, Уйшун фуқаролар йиғинларида юксак инсонпарварлик туйғулари билан йўғрилган хайрия тадбирлари ўтказилди. «Ўзбекистон» ҳўжалигида яшовчи «Тепатой» дехон-фермер ҳўжалиги раҳбари Ҳасан Раҳматов тумандаги 37-маҳсус мактаб-интернатнинг спорт залини таъмирлаш учун ўз ҳисобидан 1,5 миллион сўм маблаг ажратди.

Қарши шаҳрининг Усмон Юсупов номли маҳалласида яшовчи Пётр Прохоров бахтсиз тасодиф туфайли бундан 3 йил муқаддам ногирон бўлиб, тўшақка ётиб қолган эди. Кўнгилсиз ҳодисадан хабар тоған маҳалладошлари ва мутасадди ташкилотлар бемор кишини ёлғизлатиб қўйишмади. Айниқса, Қарши шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари кек-

са чилангарнинг аҳолидан хабардор бўлиб туришди. Яқинда унга ногиронлик аравачаси тақдим этилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда шаҳардаги курувчилари соғлигини тиббий куридан ўтказдилар. Олти юздан ортқ ногиронларга дори-дармонлар улашилди. Поездда келтирилган 18 миллион сўмликдан зиёд инсонпарварлик юклари - дезин-

тибот, тиббиёт, халқ таълими, мақувиқисини йўқотган фуқаролар, ёлғиз кексаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жалб этилган. Янги ўқув йили олдидан умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, маҳсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бепул дарслик ва ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг 3683 нафари соғломлаштирилди. 1706 нафар ёлғиз кексаларга тиббий ва ижтимоий похрана хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жойлари таъмир-лаб берилди. Вилоят бўйича ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорлар томонидан 432 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 30 миллион 296 минг сўм ажратилди. 150 нафар кишига имтиёзли йўлнамалар берилди. 7281 нафар бола ормоғҳларда бепул дам олдирилди. Болаларни ёзи соғломлаштиришга 102 миллион сўм маблаг сарфланди.

Амалга ошириляётган хайр-саховат тадбирлари, нафақахўрлар ва ногиронларни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги кўнгилларни қарогон этмоқда.

МУКОФОТГА ТЕЛЕВИЗОР

Зафаробод туманидаги «Пўлатбулоқ» фермер ҳўжалиги жамоаси давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини туманда биринчи бўлиб бажаргани учун маҳаллий ҳокимлик томонидан рангли телевизор билан мукофотланди. 7,4 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26,3 центнердан ҳосил олды.

Жиззахда пахтакорларни моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тулашининг самарали усулларини қўллашга жиддий эътибор қаратиляпти. Вилоят бўйича шартнома режасини биринчи бўлиб бажарган Зафаробод туманидаги «Алп Мангу» ва «Кериз» фермер ҳўжалиги аъзоларига бир миллион сўмдан мукофот берилди.

Қўлда терилган пахтанинг ҳар килограмми учун 37 сўмдан 45 сўмгача, машинада терилган пахтанинг тоннасига 391 сўмдан 460 сўмгача ҳақ белгиланган. Вилоятда юздан зиёд фермер шартнома мажбуриятини бажарди.

И. ИСОМИДНОВ

(УАА)

МОДДИЙ ЁРДАМГА 432 МИЛЛИОН СЎМ

289 нафар ночор, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган ногирон фарзандлари бор оилаларга моддий ёрдам уюштирилди. Нафақахўрлардан 28 нафари сихатҳоҳларда дам олиб, соғлигини тиклади. Ёлғиз кексаларни 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадига 3 миллион сўм маблаг сарфланди. Уларга 300 минг сўмлик дори-дармонлар олиб берилди.

Маҳсус ташкил этилган Саломатлик поезди аъзолари-вилоят шаҳар ва қишлоқларида бўлишди. Инсонпарварлик юклари ортқилган замонавий тиббий асбоб-усуналар билан жиҳозланган шифокорлар гуруҳи воҳанинг Муборак, Қарши, Нишон, Ҳузур, Тошкент, Жайрон ва бошқа темирйўл станциясида тўхтаб, атроф-муҳит аҳолиси, темирйўл ишчилари,

Ислоҳот инсон учун

лирик шеърлари кишиларда катта қизиқиш уйғотди. Ижтимоий таъминот бўлими мудири Мўяссар Абдуллаева, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Жаббор Раҳмонов, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хосият Алиқуллова-лар томонидан кам таъминланган оилаларга ёрдам ташкил этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида мактабларга спорт анжомлари топширилди. Катта дошқозонда ош дамляниб, аҳолига тарқатилди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан хабар беришларича, давлат идоралари, жамоат тузилмаларининг маблаг имкониятлари, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер ҳўжалиқлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамлари кам таъмин-

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ҚАЛБИ ДАРЁ КИШИЛАР

Инсонийлик чегара билмайди. Яхшиликнинг эса адоғи йўқ. Шунинг учун қалби эзгуликка тўла кишиларни доимо хурматлашди, эл-юрт ардоғида бўлади. Мирзақулда ана шундай қалби дарё инсонлар кул.

Жўлибек бобони узун бўйли, қорувли одам эди, дея эслашди чўлуварларнинг кекса авлоди. Уларнинг айтишича, у қўриққа омон солганлардан бири экан. Кейинчалик қатъиятчилиги, ташкилотчилиги боис қатор лавозимларда ишлаган. Тўри, раҳматлик на ўрта, на олий таълим оstonасидан хатлаган. Аммо ақлу заковати, идрок унинг мартабасини оширган. Оғир, синови йилларда етим-есирлар бошини силлаган. Бир тишлам нонни юпунлар билан баҳам кўрган. Йўл ва ҳашарчилар куришга бош-қош бўлиб, хашарчилар билан тенгма-тенг ишлаган. Шу боис ҳам бу инсон фазили, таъриф-хамон оғиздан тўшмайди.

Жўлибек бобо зурриётлари ҳам падари бузрукворлари изидан кетди. Одамийликни ўзларига шior, деб билади. Сирдарёда кичик бир ташкилот бор. Ана шу оқсоқ ташкилот Жўлибек бобонинг бош фарзанди Рустам ака етакчи бўлиб келди. Тарқоқ жамоани бирлаштирди. Ортирган маблағларидан кўпчилики баҳраманд этишни режа қилди. Утган йили Мирзақул туманидаги 11-мактабга 1 та компьютер, 300 минг сўмлик куриш материаллари тўхта қилди. Виллоятдаги «Меҳрибонлик уйи»га 350 минг, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 300 минг, Боев туманидаги махсус-мактаб интернатга 250 минг сўмлик моддий ёрдам берди. Жамият ишчилари ўзи, оиласи учун ишлаш, айна пайта мурувват учун маблағ топиш пайида бўлишди.

Бу аъна йиллар давомида шаклланиб, тобора барқарорлашиб борапти.

— Мен ходимларимиз талаб ва истаклари асосида иш юритишга интиламан, — дейди Сирдарё виллоят «Дренажтаъмир» масъулияти чекланган жамият раиси Рустам Жўлибеков. — Амалдаги йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши эзгу ниятларимиз амалга ошишига туртки бўлди. Жорий йилда кам таъминланган хонадонларга қарий бир миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатиш дастурини ишлаб чиқдик. Ана шу маблағ захирасини яратиш учун қатор кўшимча юмушларни бажаришга ҳам тўғри келди. Энг муҳими, бундай хайрли ишга қўл уришда ҳеч ким ўзини четга олмади.

Юрт истиқлоли байрами арафасида Гулистон шаҳридаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган 42 та хонадонга моддий кўмак кўрсатилди. Жамият раҳбари маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари билан бир неча кунлик вақтини ана шу хайрли ишга сарфлади. Хар бир хонадонда бўлди. Кам таъминланганлар турмуш тарзи билан танишишга интилди. 750 минг сўм нақд пул моддий ёрдамга муҳтожларга тарқатилди.

— Жамият раҳбарларининг ҳар бир хонадон аҳоли билан танишиши, айна чоғда ёрдамга муҳтожлар талаб ва истаклари асосида кўмак берилиши бизга ҳам маъқул келди, — дея суҳбатни давом эттирди Фарход номли маҳалла кўмитаси раиси Мухтор Маматқулов. — Чўки гап бегараз ёрдамнинг микдориди эмас, балки уни қабул қилаётганининг кўнглида.

Бугунги кунда саховатпешаликни шior қилиб олган «Дренажтаъмир» МЧЖ жамоаси хайрли ишни янада кучайтиришга бел боғлашган.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири



Меҳнат ва рағбат

ХИРМОНГА БАРАКА!

Жорий йилда туманимизда 21,5 минг гектар майдонда ғўза парваришланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. 47,1 минг тонналик хирмон яратиш учун астойдил меҳнат қилаётган пахтакорларга туман ҳокимлиги ҳамда қасаба уюшма туман кўмитаси томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Умумҳалқ ишига пахтакорлар билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган хашарчилар ҳам йигим-теримнинг олдинги сафларида бораётганлар. Айна пайта туманимизга 16 минг нафардан зиёд хашарчилар кўмакка келишган. Китоб, Қамаш туманлари ҳамда Қарши шаҳридан келган хашарчилар деҳқонларимизга мададкор бўлишмоқда. Мавсум олдида дала шийпонлари таъмирланиб, шай ҳолга келтирилди. Туман маданият бўлими, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари бевосита даланинг ўзида хизмат кўрсатишяпти. Қувонарлиси шундаки, терим учун бериладиган пул бевосита даланинг ўзида тарқатилмоқда. Бу эса терим суръатига-суръат кўшмоқда. «Пахтабанк», «Тадбир-

ратов, Фаҳриддин Уткиров, Хикоят Раҳмонова сингари фермерлар хозиргача ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб пахта топширдилар. «Нишон» ширкат хўжалиги пахтакорлари эса йиллик режани 120 фоизга уддаландилар. Ғолибар туман ҳокимлиги ҳамда қасаба уюшмалари туман кўмитаси томонидан таъсис этилган совғаларга эга бўлдилар. Биз «Зоир ота» фермер хўжалиги раҳбари Обид Худоевони Китоб маиший хизмат касб-хунар коллежи та-

лабалари пахта тераётган далада учратдик. Йигим-теримда пешқадам бўлган бу жамоани тақдирлаш маросими жуда кўтаринкилик билан ўтди. — Жамоамизнинг 350 нафардан ортиқ талабалари нишонлик пахтакорларга кўмакка келиши, — дейди коллеж директори Жамил Жалолов. — Аввало биз хашарчиларга яратиб берилган шарт-шароитлардан миннатдоримиз. Дала шийпонида тиббий, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари тўғри ташкил этилган. Бу эса биз хашарчиларни янада унумлироқ меҳнат қилишга ундамоқда. Юқоридаги коллеж, маҳаллаларда-

Хўжакул МАҲСУМОВ,
Агрисаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма Нишон туман кўмитаси раиси

Суратларда: пахта йигим-теримдан лавҳалар.
Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар

Ижтимоий ҳимоя

ҚАРИГАНДА ҚЎЛЛАСИН

Кўкон шаҳар марказий шифохона маъмурий биносига қираверишида шундоқ чап томонда жойлашган бу хона одамлар билан ханиша гавжум бўлади. Кимдир бу ерга ўз ташвиши ва муаммоларини ҳал этиш учун ёрдам сўраб келса, бошқа биров қасаба уюшмаси фаолиятига миннатдорчилик билдиргани келади.

Ҳа, шифохона қасаба уюшмаси ҳисобот даврида олиб борган ташкилотчилик, ташаббускорлик ишлари ишловчилар томонидан, ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинган бажиз эмас. Муассасада қасаба уюшмаси ва маъмурият

иш ҳақларига қўшимчалар бериш йўлга қўйилган. Меҳнат Кодексининг 157-158-моддаларига кўра дам олиш кунлари ишлаган ходим ҳафтанинг бошқа кунни дам олиш ёки икки ҳисса микдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлди. Жамоа шартномасига киритилган қўшимчаларга асосан қисқартирилган иш кунини ишловчи ходимларнинг вақти ҳафтасига 33 соат қилиб белгиланди. Тиббиёт муассасаларида ишлаб, нафақага чиққан, буюқчисини йўқотган қари-лар алоҳида гавжурлик курувоғига олинб, уларга биргина шу йилнинг ўзида 267 минг 480 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёшларнинг никоҳ тўйларини тартибли ўтказиш ҳам қасаба уюшмасининг асосий ишига айланган. Никоҳдан ўтиш жараёнида 3 кунга иш ҳақи сақланган ҳолда таътил бериш йўлга қўйилди.

Ходимлар ўртасида тез-тез спорт мусобақалари ўтказилади. Футбол, волейбол, теннис, шохмат, шашка турнирларида улар эришадиган натижалар қувончли бўлмоқда. Муассасада ходимларнинг дам олиши ҳам намунали ташкил этилган. Шу йилнинг ўзида 5 нафар ходим «Чинобод», «Турон», «Оқуш», «Чортоқ» санаторийларида дам олдирилди. Соҳа ходимларининг 60 нафар фарзанди ёзни Кўкон шаҳридаги «Космос» оромгоҳида мазмуни ўтказдилар.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Бандлик дастури амалда

ЗАНГИОТАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар негизда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш муҳим ўрин эгаллайди. Бу борда Зангиота туманида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, меҳнат бўлимига жорий йилнинг 8 ойи ичида туманидаги қўллаб қорғонона ва ташкилотлар томонидан 113 та бўш иш ўринлари тақдим этилди. Шу вақт мобайнида 486 нафар киши иш сўраб мувожаат қилган. Шундан 347 нафари ишга жойлаштирилди. 61 нафар фуқарога эса иш-сизлик нафақаси таъинланди. Ишсизлик мактабини олган аҳоли вакилларидан 52 нафари қасаба ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш максалида қайта ўқитилди.

«Бандлик» дастури бўйича бўлим ходимлари саъй-ҳаракати билан 1405 та янги иш ўринлари яратилди. Шунинг ярми ҳудуддаги фаолият кўрсатётган хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Вазирилар Маҳкамасининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва ишга жойлаштиришда турли қийинчиликларга дуч келадиган шахсларни қабул қилишни квоталаш тартиби тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш бўйича талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, 22 та корхонада 490 та иш жойи захираланган бўлиб, шу кунгача 196 нафар фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланди. Уларнинг аксариятини эндигина олий ўқув юртини тамомлаган ёшлар ташкил этганлиги қувонарлидир. Ҳудудда яшовчи 12 нафар ногиронинг ҳам талаблари эътиборга олинб, уларга мос иш ўринлари яратилганлиги мактовга лойиқ.

Туманда фаолият кўрсатётган «Сингапур-Самарқанд» қўша корхонасининг Тошкент бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз муваффақиятлар омили бўлаётди, — дейди меҳнат бўлими бошлиғи И. Жўраев. — Бу ерда меҳнатга қобилияти бўлган 30 дан ортиқ ногирон иш билан мунтазам таъминланган. Шу йилда корхонада чой қадоқлаш шеҳи ишга туширилиб, 12 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йил мобайнида 63 нафар жазо муддатини ўтаб, озод ҳаёт кўчига қайтган фуқаролар меҳнат бўлимида қабул қилиниб, уларга белгиланган зарур ёрдам берилди. Бўлим томонидан ана шундай фуқароларнинг 20 нафари ўзлари хоҳлаган касб бўйича иш билан таъминландилар.

Бугунги кунда туманда 160 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар

Одил ЭРҒАШЕВ,
«Ишонч» мухбири



Қасаба уюшма ҳаёти

Мамлакатимизда аҳолига юқсак даражадаги тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш максалида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўллаб қорғононлиги тиббий муассасалар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, соҳа ходимлари малакасини ошириш, уларни иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда. Бу ўта муҳим вазифаларни рўёбга чиқаришда тармоқ қасаба уюшмалари муносиб ўлуш қўшапти.

Кейинги йилларда виллоятимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинмоқда. 1996-2003 йиллар давомида 149 та замонавий кишлоқ врачлик пункти, битта шаҳар врачлик пункти ташкил этилди. Шундан 97 таси янгидан бунёд қилинди. Утган йили эса режалаштирилган 11 та янги ҚВТни ишга тушириш учун 298 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу кишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Соҳада самарадорликка эришишда виллоят тиббиёт масканларида меҳнат қилаётган шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимларини ҳар томонлама муҳофазалаш, қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутуши шубҳасиз. Хозирги пайта виллоят тармоқ кўмитаси тасарруфидида 94 та бошланғич қасаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатапти. Виллоят соғлиқ-

шартномаларига асосан иш юритилгани боис шу йилнинг бошида тармоқда иш ҳақи ва нафақалардан қарздорликни сезиларли равишда камайтиришга эришилди. Бундан ташқари, ходимларимиз жамоа шартномаларига киритилган бир қатор имтиёزلардан ҳам фойдаланиб келишяпти. Жумладан, тўқиз иш

ҳамда Термиз тиббиёт коллежларида конференциялар ўтказилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур тадбирларда пухта тайёргарлик қўрилди. Ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича жадал тўзилиб, шаҳар ва туман кўмиталари, бошланғич ташкилот раҳбарларига ўтказилди. Термиз шаҳрида 43 та қасаба уюшма ташкилоти етакчилари иштирокида семинар ўтказилди. Шунингдек, Бойсун, Узун, Қизирик, Термиз, Жарқўрган ва Денов туман марказий шифохоналарида ҳисобот-сайловларни ташкил этиш бўйича ўтказилган семинарларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам жуда самарали бўлди. Бундан ташқари, олдиндан белгиланган қасаба уюшма фаоллари кунларида тадбирни юқори савияда ўтказиш учун тушунтириш ва тавсиялар бериб борилди.

Муассар КОДИРОВА,
Сурхондарё виллоят соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси

ЙОД ТАНҚИС БЎЛСА

Республикамиз умумтаълим муассасаларида ош тузининг тарқибиди йод микдорини аниқлаш усуллари бўйича ҳафталиклар ўтказиш янги аниқлашга айланб қолди. Халқаро болалар жамғармаси билан амалга оширилаётган бу тадбир йод танқислиги туғайли вужудга келадиган болаларнинг буюқ қасаллигига чалиниши, ривожланишдан орқанда қолиши каби салбий ҳолатларнинг барқараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилаётган ҳафталикда республика таълим марказининг «Экология ва саломатликлар» бўлими тавсиялари ҳам қўл келмоқда. 2004-2005 ўқув йили муносабати билан ташкил этилган навбатдаги ҳафталик ҳам пухта тайёргарлик қўрилди. Шу тадбир давомида барча таълим муассасаларида «Йод танқислигидан қайчиқадан қасалликларнинг олдини олиш» мақсалида йодланган ош туздан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида ўқувчи ёшларга атрофича маълумотлар берилди.

А.АҚБАРОВ

9 КУНЛИК ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

ни сақлаш бошқармаси ва кўмитаси ўртасида келишув тузилган бўлиб, унда ижтимоий шерикчилик тамойиллари, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя каби бир қатор долзарб масалалар эътиборга олинган. 80 дан ортиқ ташкилотларда жамоа шартномаси қабул қилиниб, экспертизадан ўтказилган, рўйхатга олинган. Таъкидлаш ўринлики, қасаба уюшма ташкилотлари билан иш беришчилар ўртасида тузилаётган жамоа шартномаларининг қанчалик муҳим эканлигини ҳаётнинг ўзи исбот қилмоқда. Масалан, жамоа кунинда иборат қўшимча таътил берилмоқда. Хар йили ўнаб ходимлар виллоят ва республика санаторий-профилакторийларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашяпти. Айна кунларда республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби шаҳар ва туман кўмиталаримиз, бошланғич ташкилотларда ҳам ҳисобот-сайловлар ўтказилди. Хозирга қадар Ангор, Бойсун, Бандихон, Денов, Музробод, Олтинсой, Сарисоёб, Термиз туман марказий шифохоналари, 1-, 2- ва 3-виллоят касалхоналари

Муаммо кўндаланг қўйилади

Муфтибек ака 30 йил Улуғтоғ тоғлари яйловларида ота касбини ардоқлаб қўй-қўзи, йилки боқди. Лекин ёши улғайган сари, кўрасида боғлайдиган сигири, оти йўқлигидан оғринар, ортида қолаётган 10 жонга мерос қолдирилмаётганидан ўқинарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган хусусий деҳқон-фермер хўжалиқларини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони тила кекса чўпоннинг озуларини ушалди. 1994 йили Хўжаобод туман ҳокимлиги қарори билан Ордай қишлоғида, «Дўстлик» ширкат хўжалигига қарашли чорва фермасидаги 6 бош сизир, 6 бош қорамол, 16 бош йилки, 20 бош совлиқ Муфтибек Раззоков ноинга расмийлаштирилди. 1999 йил мартдан бошлаб фермерлик кизи Барчинойнинг ихтиёрига ўтди.

лоқ ва сув хўжалиги бошқармасидагилар ҳам мадад қилини чўзмаган. Бош мутасадди туман ҳокимлиги ҳам аҳвол билан қизиқмаган.

Бизга сафардошлик қилаётган туман деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси бошлиғи Ймонберди Абдуллаевга айтилди. «Муҳаммадали» фермер хўжалигига контрактацион шартнома тузиш, ҳам-

Фермер Барчиной Раззоқовдан ҳам, хонадон соҳиб Муфтибек акадан ҳам контрактацион шартнома бор-йўқлиги ҳақидаги саволимизга тайинли жавоб ололмадик. Фермерлик фаолиятига оид уларнинг қўлимизга тутқазган палла-партиш маълумотлардан хўжалик 20 бош от билан иш бошлаганигини базўр илғаб олди. Уларнинг айтишича, ҳисоботлар бош ҳисобчининг уйда сақланаркан.

Республикада оғизга тушган.

ҚОРАБАЙИР ЗОТЛИ ДУДУЛЛАР ҚАНИ?

Хўжаобод туманидаги «Муҳаммадали» наслчилик от заводи фермер хўжалиги ўзини оқламаётганлигининг сабаблари

кизиқиб, яқинда хўжаликда наслдор отлар етиштиришга ихтиёслаган ҳужалик бўла туриб, бугунгача контрактацион шартнома тузилмаганлиги ажабланарли эди. Барчиной фермерларнинг қатор цехлар гуруллаб ишлаётган йилки заводини устидан чиқамиз, деб хаёл қилгандик. Лекин томи тиббей ака эса Андижон виллоят ширкати ҳузуридаги чорвачиликдаги наслчилик ишларини бошқарадиган давлат инспекциясида бўлганини, бу ерда ҳам ҳамкор тополмаганлигидан шикоят қилди. Шартномаларнинг мониторингини олиб борувчи туман киш-

корлар танлашда қандай маслаҳатлар бердингиз, деган савол ташлаймиз. У яқинда иш бошлаганлигини баҳона қилишдан нарига ўтмади. Муфтибек ака қўшимча 40 гектар яқин ер ажратилган сўраб кишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик, виллоят, тумандаги дахлдор ташкилотларга ариза ёзишдан қарчамади. Узаро суҳбатда йилкилар бош сони қўлайиш, эотиини яхшилашни, наслдор қорайиш отларни етиштириш, кулун олиш аҳоли ҳақидаги савол-жавобларимиздан ҳам натижа чиқмади. Охири ҳисоботларда курсатилётган мавжуд 45 бош отлар қорлар танлашда қандай маслаҳатлар бердингиз, деган савол ташлаймиз. У яқинда иш бошлаганлигини баҳона қилишдан нарига ўтмади. Муфтибек ака қўшимча 40 гектар яқин ер ажратилган сўраб кишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик, виллоят, тумандаги дахлдор ташкилотларга ариза ёзишдан қарчамади. Узаро суҳбатда йилкилар бош сони қўлайиш, эотиини яхшилашни, наслдор қорайиш отларни етиштириш, кулун олиш аҳоли ҳақидаги савол-жавобларимиздан ҳам натижа чиқмади. Охири ҳисоботларда курсатилётган мавжуд 45 бош отлар

Собижрон РЎЗИМТОВ,
«Ишонч» мухбири

Дўстлик риштаси

Маълумки, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар олис тарихга эришган тақдирда...

ЯПОНИЯ МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Ушбу йўналишда амалга оширилган савдо-иқтисодий асосан республикамиз мустақилликка эришган даврдан бошланди...

дипломи билан тақдирланди. Япониянинг «Ямаха» фирмаси М.Ашрафий номидagi Тошкент давлат консерваториясига...

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 3 йиллиги муносабати билан Тошкент ва Самарқандда ўзбек фольклор гуруҳлари билан...

Япон граюраси устаси Хирояма, шунингдек, «Санъат салоҳи» жаҳмияти хаваскор расмчиларининг ижодий кўргазмаларининг ўтказишлари...

Япониянинг «Ямаха» фирмаси томонидан В.Успенский номли Республика махсус мусиқа мактаб-интернатига...

Ўзбекистон санъат усталари «Буюк ипак йўли бўйлаб мусиқий саёҳат» деб номланувчи Халқаро фестивалда иштирок этди...

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетда журналист кадрлар тайёрлаш борисада дастлабки тажрибалар ортирилди...

БўЛАЖАК ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУҚУБИ
Ўқув дастурларига қатор янги билимлар киритилганлиги ҳам айтиш мумкин...

Биз Ўзбекистон ва Япония ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожланишидан манфаатдоримиз...

Бундан кейинги режаларимиз ҳам катта. Миллий театр, ракс ва мусиқа санъати соҳасида ўзаро гастроллар уюштириш...


Биз Ўзбекистон ва Япония ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожланишидан манфаатдоримиз...

Ишончимиз комилки, маданий ҳамкорлигимизнинг ривожланиши икки мамлакат ўртасида дўстлик ришталарининг янада мустақамланишига катта ҳисса қўшади...

Мухтасархон КАРИМОВА,
Маданият ишлари вазирилик этики мутахассиси

«БОТАНИКА» СИҲАТТОҲИДА

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ СПАРТАКИДАСИ



Жисмоний тарбия ва спорт - саломатлик гарови. Машқларда чиниққан инсонни ҳар қандай дард четлаб ўтади...

Марказий кўмитаси томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақаларда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташириф буюрган 150 нафардан зиёд халқ таълими ходимлари иштирок этмоқда...

Шўрчи туманидаги 33-умумтаълим мактабида рус тили ва адабиётдан дарс берилди. «Ботаника» кўрсатиши имконига эга бўлади. Сараланган тўрт жамоа ўртасида кечган баҳсларда Тошкент вилояти вакиллари финалда андишонлик рақибларидан кучли эканликларини исботладилар...

Касаба уюшма тадбири

фин тус олди. Миллий спорт ўйинлар сирасига кирувчи бу турнир кўплаб мусобақалардан жой олишининг сабаби, бу йилда кишилар жамоага бириктириб, бор кучларини яққол...

«Хаммамиз болаликдан бу ўйинга ўйнаб келганмиш. Шу боис жамоамиз вакиллари анча кучли кўринган рақибларни енгишга эришди. - дейди Тошкент вилояти вакили Элмурод Умарбоев. Арқон тортиш баҳслари ниҳоятга етган бўлса, қолган турлар бўйича ўйинлар қизгин паллага кирди. Мусобақалар 25 сентябргача давом этади.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири

Турфа олам ИЛОН - ЭНАГА

Баъзи мамлакатларда захарсиз бўлган илонларнинг уй ҳайвони сифатида асралиши оддий ҳолдир. Ҳатто улар эгасиз уйда қорувлик қилишади...

НУРЛАНИШ ВА ҲОҶ

Агар ҲоҶга кимёвий бирикмалар шимдириб, сўнг нурлантирилса, унинг қаттиқлиги ва ҳужайрадаги аҳамияти ҳам ортади.

Буюк аждодларимиз

Мохнату аламларга мубало Увайсийман! Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман!

Ўз дилинг тааллуқин, банд қил Худо сори, То дегил кеча-қундуз: мосиво Увайсийман!

Кечалар фиғонимдин тинмади қавоқилбар, Арз то само узра можаро Увайсийман!

То кўруб хароботин таън этма, эй зоҳид, Бир нафас эмас холи иқтидо Увайсийман!

Факр боргоҳига қўйса гар қадам хар ким, Бош агар керак бўлса, жон фидо Увайсийман!

Увайсийнинг ҳаёти ниҳоятда оғир кечган: ёшлиғида отадан етим қолади, турмушга чиқиши билан онаси вафот этади; иккинчи фарзанди бўйидалиғида эридан айрилади; шoirанинг шурхатини эшитган Нодира уни икки боласи билан Қўқонга - хон саройига қақариб олади, лекин физку фитна макони бўлган саройда у узок яшолмади. Шундан кейин уни ўзидан узоклаштирашнинг истамагани Нодира унга шаҳардан ҳовли сотиб олиб беради. Лекин Амир Умархон ўлимидан сўнг тахтни эгаллаган Муҳаммадларнинг уни узғум ўтказди: ўғлини сарбоз қилиб Қашқар урушига юбаради ва у шу бўйича дом-дараксиз кетади. Онаси томонидан олиб берилганини баҳона қилиб, Қашқардан эргаштириб келгани Хасан баққол деган кимсан мажбуран шoirанинг уйига киритдики, бу муоттаҳам охир-оқибат унинг уй-жойини ўзиники қилиб олиб, Увайсийни кўчга ҳайдади. Мутаассиб кишига тушган истеводли ва фозила қизи Қуёшхон эolim эрининг жабру жафолари туфайли 30 ёшида жувонарғор бўлади. Шунчалик тақдир синовлари, азоб-уқубатларини бошидан кечирган бир кишининг: Моҳнату аламларга мубало Увайсийман! Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман! - дед деб нола-фиғон чекиши табиий эди. Меҳнат сўзининг қўл ёки ақл кучи билан бажариладиган иш, фаолият маъносидан ташқари, мусибат, бало, гам, дард, машаққат, қийинчилик, уқубат, ранж, бадбахтлик каби маънолари ҳам борки, мумтоз шеъринида у асосан шу маъноларда келади. Бу ерда Увайсий ҳам меҳнат сўзининг худди шу маъноларини кўзда тутган. Таби таъби эмас, дард кўрган таби таъби деганларидек, дард элини дард эли тушунади-да. Шунинг учун ҳам шoirа қайда дард эли бўлса, уларга ҳамдард, ошно бўлган Увайсийман, дейди.

Увайсийнинг ҳароб аҳволини кўриб, унга таъна тошларини ёғдириб, оворра бўлма, мен барибир бу илохий ишқ йўлидан бир нафас ҳам чекимайман»:

То кўруб хароботин таън этма, эй зоҳид, Бир нафас эмас холи иқтидо Увайсийман!

Харобот - инсоний сифатларнинг харобу жисмоний вужуднинг фойи бўлиши. Кишининг хароботийлиги унинг қомиллигини, ундан беихтиёр равишда илохий маърифат содир бўлади.

Факр боргоҳига қўйса гар қадам хар ким, Бош агар керак бўлса, жон фидо Увайсийман!

Тасаввуфий маънода фахрилик ҳеч нарсагинг йўқлиги эмас, балки худда қиссинг бўлмаслиги, давлатманд бўлган тақдирда ҳам ўз бойлигига Худонинг мулки деб қараш. Масалан, Хожа Ахрор Валий ҳисобсиз мол-дунёга эга бўлгани холда, ўзи дарвешона ҳаёт кечирган.

Шундай қилиб, байтинг мазмуни: «Хар кимки факр манзилига қадам қўяр экан, бу йўлда бошдан кечиш керак бўлса, мен - Увайсий хатто жонимни фидо қилишга тайёрман!».

Тариқатда пирсиз манзилга етиб бўлмайди. Чунки ривозат босқичларини раҳнамасиз босиб ўтиш мушкул. Солиқ йўлдан адашиб, Ҳаққа етолмай қолиши мумкин. Шунинг учун бу йўлга кирган мурид аввало тажрибали бир пирга қўл бериб, бутун инон-ихтиёрини унинг иродасига топширган. Лекин тасаввуф та-

УВАЙСИЙ НЕГА УВАЙСИЙ?

қараб ажр чқаради. Бинобарин, шoirанинг кечалар оху ноламдан кўризулару сайёраларнинг қулуги гар бўлди - ердан самогача можаро кўзгаган, ҳаммининг жонига теккан Увайсийман дейиши беҳиз эмас: Кечалар фиғонимдин тинмади қавоқилбар, Арз то само узра можаро Увайсийман!

«Эй зоҳид, - дейди ошмик шoirа ўз фикрларини давом эттириб, - Увайсийнинг хароб аҳволини кўриб, унга таъна тошларини ёғдириб, оворра бўлма, мен барибир бу илохий ишқ йўлидан бир нафас ҳам чекимайман»:

То кўруб хароботин таън этма, эй зоҳид, Бир нафас эмас холи иқтидо Увайсийман!

Харобот - инсоний сифатларнинг харобу жисмоний вужуднинг фойи бўлиши. Кишининг хароботийлиги унинг қомиллигини, ундан беихтиёр равишда илохий маърифат содир бўлади.

Факр боргоҳига қўйса гар қадам хар ким, Бош агар керак бўлса, жон фидо Увайсийман!

Тасаввуфий маънода фахрилик ҳеч нарсагинг йўқлиги эмас, балки худда қиссинг бўлмаслиги, давлатманд бўлган тақдирда ҳам ўз бойлигига Худонинг мулки деб қараш. Масалан, Хожа Ахрор Валий ҳисобсиз мол-дунёга эга бўлгани холда, ўзи дарвешона ҳаёт кечирган.

Шундай қилиб, байтинг мазмуни: «Хар кимки факр манзилига қадам қўяр экан, бу йўлда бошдан кечиш керак бўлса, мен - Увайсий хатто жонимни фидо қилишга тайёрман!».

Тариқатда пирсиз манзилга етиб бўлмайди. Чунки ривозат босқичларини раҳнамасиз босиб ўтиш мушкул. Солиқ йўлдан адашиб, Ҳаққа етолмай қолиши мумкин. Шунинг учун бу йўлга кирган мурид аввало тажрибали бир пирга қўл бериб, бутун инон-ихтиёрини унинг иродасига топширган. Лекин тасаввуф та-

ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА ТЎПЛАНДИ

(Боши 1-бетда) Мусобақа ташкилотчилари истикболли гимнастикачи Рита Алимовага катта умид боғлашмоқда. У сўнгги пайтларда Москвадаги Олимпия тайёргарлиги марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Ирина Винер қарамогида ўз маҳоратини оширмоқда. Утган йили бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпио-натида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Екатерина Бабурина ҳам «Шарқ гўзали-2004» турнирида муносиб катнашиши кутилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай номдор спортчилар борлиги - Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилган катта эътибор натижасидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакат раҳбарияти барқамол авлодни тарбиялашни давлат сиёсати-нинг устуворликларидан бири сифатида белгилади. Бу тамойилни амалга ошириш учун Президент Ислам Каримов ташаббуси билан болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишига оммавий жалб этиш тизими ишлаб қўйилди. Бу тизим бутун дунёда янги технология сифатида тан олинди. У таълим тизимининг барча бўғинлари - мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юр்தларини қамраб олади. Жумладан, республика микёсида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўтказилмоқда, коллеж ва лицейлар ўқувчилари «Барқамол авлод» мусобақаларида, талабалар эса Универсиадада ўз кучини эңчиллиги ва ғалабага интилишини намойиш қилмоқда. Турнир ҳақли равишда жаҳон спортининг марказларидан бири ҳисобланувчи Ўзбекистон пойтахтида ўткази-лиши ҳақидаги хабар чет эл спорт жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Турнирни ўтказиш бўйича ташкилий кўмитага 12 мамлакат, шу жумладан Россия, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Польша, Озарбайжон, Грузия, Қозғоғистон, Қирғизистон спортчиларидан катнашиши тўғрисида аризалар келиб тушди. Бўлғуси мусобақалар бадий гимнастиканинг қўлғина «олдуз»ларини тўплади. Хусусан, Жаҳон кубогининг Тошкент босқичида Афинадаги Олимпия ўйинларининг олтин медали соҳиби Элина Кабаева иштирок этишга розилик берди. Ўзбекистонлик спорт ишқибозлари Афина Олимпиадасида кумуш медалини қўлга киритган Ирина Чашинанинг чиқишларини томоша қилиш имкониятига эга бўлишади. (УЗА)

ISHONCH
Бош муҳаррир МУАССИС: Мирғиёс КАЮМОВ
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Ҳатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Маншаси: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қурсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.